

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2019. Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРИПОВА ГУЗАЛ СОДИҚОВНА**

**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАЛАБА-  
ҚИЗЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технология таълими)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ЧИРЧИҚ-2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Шарипова Гузал Содиқовна**

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида талаба-қизларнинг  
тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш ..... 3

**Шарипова Гузаль Садиқовна**

Совершенствование предпринимательских компетенций студенток в  
условиях развития экономики ..... 23

**Sharipova Guzal Sodikovna**

Improvement of enterpreneural competencies of female students in the  
conditions of economic development..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.03.2019. Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРИПОВА ГУЗАЛ СОДИҚОВНА**

**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАЛАБА-  
ҚИЗЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технология таълими)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ЧИРЧИҚ-2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped717 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([cdpi.uz.ilmiy-kengash](http://cdpi.uz.ilmiy-kengash)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Байметов Ботир Болтабоевич**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Рўзиев Эркин Искандарович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2019.Ped.28.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi\\_kengash@umail.uz](mailto:chdpi_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870)712-45-41.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Қ.Мардонов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.Т.Ражабов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаши котиби, география фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Р.А.Эшчанов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим соҳасида талабалар тадбиркорлик компетенциялари иқтисодий ривожлантириш шароитида жорий этиш механизмлари амалиётга татбиқ этилган. 2011 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО томонидан Женева шаҳрида Марказий Осиёда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича сиёсий конгрессда барча мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқот ишлари ва минтақада тадбиркор аёллар дуч келадиган муаммолар, уларнинг оқибатлари муҳокама қилинган ва ушбу ҳудудда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича аниқ сиёсий тавсиялар берилган.<sup>1</sup> Конгресс ўқув семинарларида Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёдаги тадбиркор аёлларга ўз бизнесларини бошлашлари тўғрисида фикр алмашиш ҳамда минтақадаги мамлакатлар бўйлаб янги тармоқларни ривожлантириш ташаббуси учун тавсиялар ишлаб чиқилган. Жанубий Шарқий Европадаги илк бор тадбиркор аёллар учун ўтказилган форум бунга мисол бўла олади.

Cleef & Arpels<sup>2</sup> (Франция, Париж) ҳамда Royal College of Art<sup>3</sup> (Англия, Лондон) катталар учун технология ва санъат соҳасида иккинчи олий таълим асосида малакали ҳунармандлар тайёрлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳунармандчиликка эътибор ошиб бориши, мазкур соҳага алоҳида аҳамият берилиши, халқ ҳунармандчилигини ўргатувчи устозлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга инновацион ёндашувларни илмий-методик нуқтаи назаридан асослаш ва педагогик жараёнга татбиқ этишга алоҳида аҳамият берилган.

Мамлакатимизда ижодкорлик, тасвирий санъат, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик соҳалари учун кадрлар тайёрлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, моддий-техник базаси яратилди. Хотин-қизларни ҳунарга ўргатиш, уларни тадбиркорлик билан шуғулланишга йўналтириш орқали меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш, жамиятда хотин-қизлар ўз ўринларини топишлари орқали уларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштиришнинг дидактик ва технологик имкониятларини кенгайтиришга имконият яратилди. “Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш” бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> <https://www.undp.org/content>

<sup>2</sup> <https://www.lecolevanccleefarpels.com/en/sessions/savoir-faire>

<sup>3</sup> <https://www.rca.ac.uk/>

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарорлари, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббус ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда ўқитувчиларнинг тайёрлашнинг илмий-педагогик ва методик асослари Б.С.Абдуллаева, Қ.М.Абдуллаева, Д.Мажидова, З.Қ.Исмаилова, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов, Н.М.Эгамбердиеваларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

МДХ давлатларида ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш аспекти С.Н.Батракова, А.А.Бескодаров, В.П.Беспалько, Г.А.Бордовский, Н.В.Вишнякова, П.К.Гальперин, С.М.Годник, Л.П.Дубовицкая, Л.С.Кадымов, М.Б.Кларин, В.С.Кукушкин, Е.И.Красичкова, Т.И.Маскевич, Т.И.Мацкевич, К.Мителло, Н.В.Самоунина, В.А.Сластенин, М.В.Топоркованинг тадқиқот ишларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатлари олимлари А.Smith, J.B.Sey, J.A.Schumpeter, G.A.Hosking, R.Hisrich, R.Cantillon J.Ch.Mconnellлар бўлажак мутахассисларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашнинг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-148 “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2012-2014 й.), ЁА-1-26 “Касб таълими методикаси фанидан электрон методик-мажмуа яратиш” (2015-2017 й.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодий ривожлантириш шароитида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бандлик дастурлари доирасида тадбиркорлик компетенциясини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ОТМларини битирган қизлар бандлигини таъминлаш;

ОТМларида гендер муаммоларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнига талаба-қизларни тайёрлашни такомиллаштириш;

талаба-қизларни ҳунарга ўргатиш, уларни тадбиркорлик билан шуғулланишга йўналтириш орқали меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш, жамиятда хотин-қизлар ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш;

фан-таълим ва иқтисодийнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг инновацион ғоялари, лойиҳа ҳамда ишланмаларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иқтисодий ривожлантириш шароитида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш жараёни танланиб, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тажриба-синов жараёнига 315 нафар талаба жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иқтисодий ривожлантириш шароитида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, метод восита ва йўллари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез қилиш, кузатиш, сўровнома ўтказиш, талаба-қизларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда касбий сифатлари даражаларини ташхис қилиш, педагогик тажриба-синов, математик-статистика методларидан фойдаланиб, таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

технология таълими йўналиши бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда “халқ ҳунармандчилиги” фанини ахборот технологиялар асосида ўргатишнинг педагогик имкониятлари аниқланган;

меҳнат фаолияти мотивацияси, ижодий қобилият ва бадиий-эстетик қарашларини фаоллаштириш омилларини қамраб олган методик ёндашув асосида халқ ҳунармандчилигини ахборот технологиялар воситасида ўргатиш тизими шакллантирилган;

талаба-қизларни ҳунарга ўргатиш, уларни тадбиркорлик билан шуғулланишга йўналтириш орқали меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш, жамиятда хотин-қизлар ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, ишсиз, имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилган;

технология таълими йўналиши талаба-қизларида халқ ҳунармандчилиги бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиш даражалари

(педагогик фикрлашнинг тизимлилиги, мустаҳкамлиги, педагогик билимларни интергациялаш ва қўллаш, рефлексия, педагогик масалаларни ечишдаги ижодкорлик)ни аниқлаш мезонлари танланган ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларнинг инновацион ғоялари, лойиҳалари ва ишланмаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

технология таълими йўналиши талаба-қизларида тадбиркорлик компетенцияларини АТлар асосида ривожлантиришнинг мазмуни аниқланган, шакл, метод ва воситалари такомиллаштирилган;

технология таълими йўналиши талабаларида тадбиркорлик компетенцияларини АТлар асосида такомиллаштириш бўйича “Халқ ҳунармандчилиги” фанидан дарслик тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога психологик-педагогик ва методик ёндашиш ҳамда технология таълими йўналиши талаба-қизларида тадбиркорлик компетенцияларини АТлар асосида такомиллаштиришда республикамиз ва чет эл олимлари тажрибаларига асослангани, тадқиқот вазибаларига мос методларнинг танланганлиги, таҳлил ва тавсифнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, технология таълими йўналиши талаба-қизларида тадбиркорлик компетенцияларини АТлар асосида такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида ўзининг назарий ва амалий тасдиғини топганлиги; тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти технология таълими йўналиши талаба-қизларида тадбиркорлик компетенцияларини АТлар асосида такомиллаштиришга оид инновацион ёндашувлар билан бойитилганлиги, технология таълими йўналиши талаба-қизларида тадбиркорлик компетенцияларининг эгалланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалардан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан инновацион таълим-тарбия шароитида технология таълими йўналиши талаба-қизларида тадбиркорлик компетенцияларини АТлар асосида такомиллаштириш бўйича “Халқ ҳунармандчилиги” дарслигидан таълим-тарбия амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тренинглар ва ўқув курслари асосида талаба-қизларнинг тадбиркорлик ва креативлик компетенцияларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:



Ўзбекистон хунармандлар уюшмаси билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-қизларга халқ хунармандчилигини ривожлантириш мақсадида ҳар якшанба куни дарслар ташкил этиш ва бу билан ёшларда хунармандчилик технологияларини шакллантириш тўғрисидаги таклифлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 октябрдаги 947-сонли буйруғи иловаси 2-бандини тайёрлашда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 89-03-4398-сонли маълумотномаси). Натижада талаба-қизларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга оид методик ишлар мазмунини ривожлантиришга эришилган;

Олий таълим муассасаларни битирган қизлар бандлигини таъминлаш, тизимли мониторинг олиб бориш, яратилган янги иш ўринларига битирувчи қизларни жойлаштириш ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилишини ташкил этишга қаратилган таклифлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 февралдаги 135-сон буйруғи иловасининг 3-бандини тайёрлашда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 89-03-4398-сон маълумотномаси). Натижада талаба-қизларни хунарга ўргатиш, ишсиз, имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар бандлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилган;

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг 192-бандига мувофиқ, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали ишсиз, бандлиги таъминланмаган хотин-қизларга, талаба-қизларга, имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга касб-хунар ўргатиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича таклиф Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2019 йил 14 ноябрдаги 04/2333-19-сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда хотин-қизларнинг хунармандчилик фаолиятига жалб қилиш масалаларига эътибор қаратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бшйича 2 та хорижий, 4 та маҳаллий журналларда мақолалар чоп этилган, 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (жумладан, 4 та республика 2 таси хорижий журналлар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижлик олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобда технология таълими йўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда таълим мазмунига қўйиладиган замонавий талаблар, технология таълими йўналиши ўқитувчисининг педагогик фаолияти тузилмаси ва умумий тавсифномаси, педагогик функциялари, ўзига хос субъектив хусусиятлари ва касбий муҳим сифатлари кўриб чиқилган. Талаба-қизларда халқ хунарманчилиги бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш психологик-педагогик муаммо сифатида ўрганилган, ҳозирги замон шароитида технология таълими йўналиши ўқитувчисини тайёрлаш муаммолари ва унинг касбий тайёргарлигига қўйилган замонавий талаблар, инновацион таълим шароитида “Халқ хунармандчилиги” фанини ўқитиш ижтимоий-педагогик муаммо сифатидаги талқин этилган, технология таълими йўналиши ўқитувчисини тайёрлашда инновацион технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчисини халқ бадий хунармандчилигига ўргатиш асослари, талаба-қизларда халқ хунармандчилиги бўйича билимларни инновацион технологиялар асосида шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, касбий-методик кўникмаларни босқичма-босқич шакллантириш технологияси, уларнинг халқ хунарманчилиги бўйича касбий тайёргарлигини оширишнинг педагогик тамойиллари асослаб берилган.

Бугунги кунда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида бўладиган ижтимоий жиҳатлари ўрганиб борилмоқда<sup>4</sup>. Юқорида таъкидланган имкониятлардан келиб чиқиб, ўзбек миллий халқ хунармандчилигини ёшларга ўргатиш ва уни ўқитиш бўйича Давлат таълим стандарт (ДТС)лари асосида янги дастурлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқилди. Сўнгги йилларда янги замонавий ўқув муассасалари барпо этилди ва уларни замонавий ўқув анжомлари, техник воситалар билан таъминланди.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 2 сентябрь/Lex.uz

Педагогика олий таълим муассасалари (ОТМ)да технология таълими йўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда уларга халқ амалий санъатини инновацион технологиялар асосида ўргатиш ва унинг методикасини яратиш ОТМларида ўқув фаолиятини такомиллаштиришда муҳим ўринга эга.

Инновация – янгиликлар, янгиликларни амалиётга жорий этиш демакдир. Таълим тизимида инновация – таълим муассасаларини кескин ривожлантириш мақсадида анъанавий тизимни ислоҳ қилган ҳолда янгиликлардан, янги методлардан кенг фойдаланишни англатади.

Инновациялар – таълим ривожланишининг муҳим элементлари. Улар муҳим аҳамиятга эга тизимли янгиликлардан иборат.

Инновациялар турли ташаббус ва янгиланиш асосида юзага келади ҳамда таълимнинг тадрижий равишда такомиллаш учун истиқболли ҳисобланади, шунингдек, таълим муҳитининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида таълимда, унинг мазмуни ва сифатида муайян даражада муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Ташаббуслар педагогик фаолиятнинг янада истиқболли шакллари ва воситаларини излаб топишда, яъни метод ва усулларни амалда синаб кўришда, умуман, таълим соҳасидаги табиий-тадрижий такомил жараёнида юзага келади.

Ташаббуслар педагогик тажрибалар алмашиш ҳамда уларни кенг ёйиш жараёнида, педагогларнинг ижтимоий ҳаракати ҳамда оммавий ташаббусларни шакллантиришда янада мустақамланади. Натижада, янги ижтимоий-педагогик, психологик ва ижтимоий-маданий ғояларни илгари сурувчи ташаббускор ва новатор педагоглар гуруҳи шаклланади. Ҳозирги вақтда педагогик инноватика мустақил илмий соҳа сифатида шакллантирилмоқда. Педагогик инноватика педагогик инновациялар табиатини, унинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятларини, таълим субъектлари фаолиятини инновацион нуқтаи назардан ўрганади

Ҳозирги замонда “инновация” тушунчаси бирон-бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади.

Мавжуд нарсанинг янги ҳолатга ўтиши ёки янги сифат касб этиши билан боғлиқ жараён инновация сифатида эътироф этилади. Бу жараённи баъзида янгиликнинг амалиётга жорий этилиши деб ҳам аташади. Инновациялар, даставвал, инсон онгида мавжуд реаллик билан унинг идеал ҳолати ўртасидаги тафовут сифатида шаклланади. Аксарият ҳолларда инновацион ғоялар тез ўсиб бораётган эҳтиёжлар билан нисбатан суст ривожланаётган ишлаб чиқариш тизимининг потенциал имкониятлари ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этишга интилиш асосида шаклланиб боради. Инновацион соҳанинг хусусиятларини назарий жиҳатдан ўрганиш ижтимоий-иқтисодий соҳадаги концепциялар кенг ривожлана бошлаган ва жаҳон иқтисодиётида инновацион фаолиятнинг фаоллашуви кузатилган даврларда (XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб) ниҳоятда долзарблашди.

Инновацион соҳага тааллуқли муаммоларни илмий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган олимларнинг илмий ишларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, муайян инновациянинг муваффақияти ва тавсифи

пировард натижада, аниқ тармоқнинг, минтақа, мамлакат, қолаверса, корхонанинг инновацион потенциали қандайлигига боғлиқ бўлади.

Республикамиз иқтисодиётини такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялаштириш учун мамлакатимиз ОТМларининг илмий потенциалидан ўринли фойдаланиш зарур. Ўз навбатида, бу масала минтақавий миқёсда амалга ошириладиган инновацион ва фан-техника сиёсатини юритиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар тизимида ОТМларининг инновацион потенциали тутган ўринни белгилаб беради.

Инновацион жараённинг 7 элементини бир доирада бирлаштириш мумкин: инновацияда инновация; маркетинг инновацияси; инновацияни ишлаб чиқиш; инновацияларни амалда жорий этиш; инновацияни силжитиш; инновациянинг иқтисодий самарасини баҳолаш; инновацияни тарқатиш.

Бугунги кунда педагогика ОТМларида технология таълими йўналиши ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини кучайтириш йўлида “халқ хунармандчилиги” фанининг ўқитилишини шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

ОТМларида ўқув жараёнида машғулотларни инновацион технологиялар асосида амалга ошириш, замонавий ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатларини таъминлаш ва мазкур соҳа ўқитилишининг илмий-амалий масалаларини тўғри ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогика ОТМларида технология таълими йўналиши ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини кучайтириш муаммоси уларнинг халқ хунармандчилигидан муаммоли масалаларнинг моҳияти англаб етиши, муаммолар ечимини топиш йўлида шахсий эҳтиёжи, қизиқиши, майли, қобилияти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ равишда олиб қараладики, бу ўз ўрнида мустақил фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил этади. Бу борада ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятининг йўлга қўйилиши, ижодкорлик, мустақил фикрлайдиган, маънавийли, маърифатли инсонларни тарбиялиш имконини беради.

Юқорида белгиланган мақсадли вазифаларни амалга оширишда хунармандчилик соҳасидаги муаммоларни хорижлик олимлар, эксперт ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда бу борада назарий ва амалий тажриба алмашиш, хунармандчилик йўналишида фойдаланилмаётган имконият ва ресурсларни аниқлаб, соҳани ривожлантириш истиқболларини белгилаш, хунармандчилик соҳасида маданий ва тарихий жиҳатдан чуқур изланишлар олиб бориш, илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва амалга оширилаётган тадқиқот ишлари натижаларини оммалаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-3991-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 960-сонли қарори.


ОТМда ўзбек халқ ҳунармандчилигидан машғулотлар самарадорлигини ошириш учун реал муҳит яратилиши керак. Бошқача айтганда, олий таълим муассасаларида олиб борилаётган машғулотларни доимий равишда янги инновацион технологиялар асосида ташкил этиш орқали аниқ мақсадга эришиш мумкин бўлади. Бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим-тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини такомиллаштириш масалалари ҳал этилмай қолаверади. Шунга кўра, ҳозирги кундаги энг долзарб масала халқ ҳунармандчилиги соҳасида машғулотлар ташкил этишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-педагогик ва концептуал асосларни ойдинлаштириш методikasини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Диссертациянинг **“Талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини малакавий амалиётлари педагогик имкониятларини кенгайтириш асосида такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида технология таълими жараёнида инновацион технологияларни қўллашнинг ўрни ва аҳамияти изоҳлаб берилди; бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчисини тайёрлашда умумкасбий фанларни инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг дидактик имкониятлари, замонавий ўқитиш технологиялари ва воситалари асосида умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишнинг концептуал асослари, умумкасбий тайёргарлик фанларини ўқитишда бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчисини касбий тайёрлаш мазмуни ва унинг мантиқий-тузилмавий схемаси изоҳланди.

Технология таълими йўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик тузилмаси схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Талабаларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишга касбий тайёрлашнинг асосий йўналишлари аниқланди ва модели ишлаб чиқилди; талабаларни педагогик фаолият жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш ҳолати ўрганилиб, уларнинг технология таълими йўналиши жараёнида ўқитишнинг инновацион технологияларни қўллаш кўникма ва малакалари ташхис қилинди.

Педагогик адабиётлар таҳлили асосида ва талаба-қизларнинг касбий фаолиятида инновацион технологиялардан фойдаланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот давомида қуйидаги мезонлар ажратиб кўрсатилди: мотивация ва касбий фаолиятда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича билимларнинг эгаллаганлик даражаси; талаба-қизларда касбий фаолиятда инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаси; талаба-қизларда ижодкорлик кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаси.

Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида амалий-педагогик тажрибадан келиб чиқиб, бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг педагогик тузилмаси схемаси ва натижасини диагностика қилиш модели ишлаб чиқилди.



**1-расм. ИТлар асосида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетентлигини тайёрлашнинг педагогик модули**

Технология таълими йўналиши ўқитувчисини инновацион технологиялар асосида тайёрлаш педагогик тузилмасининг мақсад компоненти (жамиятнинг рақобатбардош технология таълими йўналиши ўқитувчисини тайёрлаш ижтимоий буюртмасига кўра, Ўзбекистон Республикаси олий касбий таълимнинг ДТСлари асосида технология таълими йўналиши ўқитувчисини инновацион технологиялар асосида тайёрлаш ва натижасини аниқлаш, ташкилий компоненти (вазифалар, таълим методлари, таълим шакллари ва таълим тамойилларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш), мазмуний компоненти (“Халқ ҳунармандчилиги” ўқув фани бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида – инновацион, компетенциявий, интегратив, шахсий-

фаолиятли ёндашувларни қўллаб, амалий машғулотлар ташкил этиш орқали бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчилари фаолияти вариативлиги, субъективлиги, ижодий индивидуаллиги, шахсий имкониятларини ривожлантириш), натижа компоненти (Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида талаба-қизларни тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш натижаларини аниқлаш)дан иборат.

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш турли даражадаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилди. Вазифаларни бажаришда фаолиятнинг хусусиятига қараб, инновацион технологиялар асосида касбий ва педагогик кўникмаларни ривожлантиришнинг тўрт (интуитив, репродуктив, репродуктив-ижодий, ижодий) даражасини белгиланди.

Бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларини инновацион технологиялар асосида тайёрлашнинг педагогик тузилмаси илмийлик, узвийлик, кетма-кетлик, кўрғазмалилик, фаоллик, фанлараро алоқадорлик тамойилларига асосланган, шунингдек, таълим натижасини аниқлаш учун баҳолаш мезонлари аниқлаб олинди. Эксперт баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларини тизимлаштириш орқали бўлажак технология таълими ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш усуллари (дарсни специфик таҳлил қилиш, ижодий топшириқ, амалий ишлар) такомиллаштирилди.

Талаба-қизларда касбий билим, кўникма малакаларни инновацион технологиялар асосида шакллантириш жараёни вазиятини яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни талабанинг фаолият объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди. Инновацион технологиялар асосида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ҳам талаба фаолиятининг объекти ҳисобланади.

Талаба-қизларда касбий билим ва кўникмаларни инновацион технологиялар асосида шакллантириш педагогик таъминотининг зарур шarti педагогнинг мазкур жараёнга тайёрлиги ҳисобланади. Ўқитувчи “халқ ҳунармандчилиги” ўқув фанини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўрганиш асосидаги методик тизим касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш дастурига эга бўлиши керак.

ОТМлари технология таълими йўналиши битирувчилари малака талаблари ва уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини ташхислашнинг аналитик, лойиҳалаш ва прогностик компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида иқтисодиётни ривожлантириш шароитида талаба-қизларни тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш концептуал асоси мазмуни такомиллаштирилди.

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синови ташкил этиш ва ўтказиш ишлари” деб номланган учинчи бобда бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларида халқ хунарманчилигига оид билим, кўникма ва малакаларни инновацион технологиялар асосида шакллантиришнинг педагогик асослари, касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий тамойиллари ва методикаси баён этилган, тажриба-синов ишларини ташкил этиш мазмуни ва унинг натижалари таҳлил қилинган.

Бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларининг инновацион технологиялар асосида ўқув фани (“Халқ хунармандчилиги”) бўйича тайёргарлигини ошириш, яъни уларда халқ хунарманчилиги бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг педагогик тузилмаси амалда жорий этилди.

Унга кўра, талаба-қизларда ўқув фанига оид билимлар билан бир қаторда “Халқ хунармандчилиги” фанининг тегишли мавзу ва бўлимларини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ижодий, амалий топшириқлар, кейсларни мустақил ечиш орқали методик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни кўзда тутди. Шунингдек, модел электрон ўқув-методик мажмуа асосида бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларида фанга оид билимларни ўзлаштириш, касбий-методик кўникма ва малакаларни шакллантиришни самарали амалга оширишнинг ташкилий-методик шартларини ўзида акс эттиради.

Бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларини педагогик амалиёт жараёнида педагогик технологиялар, электрон таълим воситаларидан фойдаланиб дарс беришга ўргатиш, изчил малакасини ошириш тизими қутилган натижаларни беради. “Технология таълими йўналиши ўқитувчиларини инновацион технологиялар асосида касбий шакллантириш” номли методик қўлланма ва ўқув-методик мажмуанинг мақсади шакллантирилди; инновацион технологиялар асосида талабаларнинг халқ хунармандчилиги бўйича тайёргарлигини ошириш муаммоларининг асосий йўналишлари аниқлаштирилди; тематик режа ишлаб чиқилди; курснинг вазифалари белгиланди.

Тажриба-синов ишлари режа бўйича Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университетларининг талаба-қизлари орасида олиб борилди. “Халқ хунармандчилиги” фанидан 2016-2017 ўқув йилида 150 нафар (жумладан, 50 нафар ТДПУ, 50 нафар СамДУ, 50 нафар БухДУдан), 2017-2018 ўқув йилида эса 165 нафар талаба-қизлар иштирок этиш. Фан бўйича икки ўқув йилида жами 315 нафар талаба қатнашди.<sup>6</sup>

Бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларида халқ хунармандчилиги бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг инновацион

---

<sup>6</sup> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги банк маълумотлари.



технологиялар асосида шакллантириш элементар-операцион, репродуктив, ижодий даражаларда амалга оширилди.

Шакллантирувчи тажриба-синовнинг барча босқичлари ўз ташкилий шакллариغا эга бўлиб (маъруза, амалий машғулотлар, махсус курслар, махсус семинарлар, мустақил иш; яқка тартибда (индивидуал) ишлаш маъруза, семинар, лаборатория машғулотлари, мастер класслар “Технология таълими йўналиши ўқитувчиларини инновацион технологиялар асосида касбий шакллантириш” номли методик қўлланма ва ўқув-методик мажмуа, педагогик амалиёт, мустақил таълим), ишчи дастурнинг муайян мавзуларини ўрганишда амалга оширилди. Таълим мазмуни шундай шаклда қурилдики, тажриба-синовнинг ҳар бир босқичидан кейин талабаларда халқ ҳунармандчилиги бўйича касбий билим ва кўникмалар шаклланишининг ўсиши кузатилди. Қайд қилувчи тажриба-синов натижалари 1-жадвалда акс этган.

### 1-жадвал

#### Тажриба гуруҳи талабаларида халқ ҳунармандчилиги бўйича билим ва кўникмаларнинг инновацион технологиялар воситасида шаклланганлиги даражаси (қайд қилувчи тажриба)<sup>7</sup>

Инновацион технологиялар асосида “Халқ ҳунармандчилиги” фани бўйича билимларнинг шаклланганлик даражалари	Назарий машғулотлар жараёнида, %		Амалий машғулотлар жараёнида, %		Мустақил таълим жараёнида, %	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
	ТГ	ТГ	ТГ	ТГ	ТГ	ТГ
Паст	38	26	38	26	37	27
Ўрта	46	49	45	50	45	50
Юқори	19	28	20	27	21	26

Экспериментал таълимнинг элементар-операцион босқичи тажриба-синов гуруҳларида “Халқ ҳунармандчилиги” бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар, педагогик амалиёт ҳамда мустақил таълим жараёнида амалга оширилди. Маъруза ва махсус семинар, махсус курс, амалий машғулотлар, педагогик амалиёт мазмуни шундай тарзда тузилдики, бунда бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларини педагогик муаммоларни инновацион технологиялар орқали ечишга йўналтириш назарда тутилди. Бундан ташқари, талабалар учун таълим жараёнида инновацион

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.


технологияларни қўллашнинг аҳамияти борасида мунозаралар, тадбиркорлик ўйинларини ташкил этиш, инновацион технологиялар асосида дарс лавҳаларини муҳокама қилиш, педагогик вазиятларни таҳлил этиш, мустақил ишлаш имкони яратилди.

Ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги  $H_0:ax=ay$  фаразни илгари суриб, унга қарама-қарши  $H_1:ax \neq ay$  эканлигини юқоридаги маълумотлар асосида Стьюдент статистикаси орқали текширилди.

$$T_{m,n} = \frac{|\bar{y} - \bar{x}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}}$$

Агар  $T > T_p = t$  бўлса,  $H_0$  фараз рад этилиб,  $H_1$  фараз қилинди ва Стьюдент методи орқали текшириб, муайян натижага эришилди.

“Халқ хунармандчилиги” фани бўйича олинган натижаларга кўра 2015-2018 йиллар оралиғида тажриба гуруҳида самарадорлик даражаси маъруза машғулотларида 1,3 дан 1,25 коэффицентга тушган. Амалий ва мустақил таълимда эса мос равишда 1,28 дан 1,19 га ва 1,1 дан 1,3 га ошган (2-расм).



**2-расм. ТДПУда 2016-2017 ўқув йилида “Халқ хунармандчилиги” фанининг тажриба гуруҳидаги самарадорлик даражаси**

“Халқ хунармандчилиги” фани бўйича олинган натижаларга кўра, 2015-2018 йиллар оралиғида назорат гуруҳида самарадорлик даражаси маъруза машғулотларида 1,06 дан 1,05 коэффецентга тушган. Амалий ва

мустақил таълимда эса мос равишда 1,01 дан 1,08 га ва 1,01 дан 1,09 га ошган (3-расм).

Бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларида халқ хунармандчилиги бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги ҳақидаги маълумотларни таққослаш натижасида қайд қилувчи ва шакллантирувчи тажрибалар орқали олинган натижалар ҳар бир таклиф қилинган мезон бўйича тажриба-синов гуруҳида анча юқори экани маълум бўлди. Назорат гуруҳларда ҳам ўсиш кузатилди, бироқ у тажриба-синов гуруҳи натижаларидан анча паст бўлади.



**3-расм. ТДПУда 2016-2017 ўқув йилида “Халқ хунармандчилиги” фанининг назорат гуруҳидаги самарадорлик даражаси**

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари талабаларда халқ хунармандчилиги асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда қўлланилган инновацион технологияларнинг самарали эканлигидан далолат берди. Тажриба-синов ишларининг қайд этувчи ва шакллантирувчи босқичларининг бориши жараёнини таҳлил этиш ва олинган эмпирик маълумотлар тадқиқот фаззининг тўғри эканлигини тасдиқлади.

## ХУЛОСА

“Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида талаба-қизларнинг тадбиркорлик компетенцияларини такомиллаштириш” мавзусидаги қуйидаги тадқиқот иши хулосаларга келиш имконини берди:

1. Инновация – янгиликлар, янгиликларни амалиётга жорий этиш демак.

Таълим тизимида инновация – таълим муассасаларини кескин ривожлантириш мақсадида анъанавий тизимни ислоҳ қилган ҳолда янгиликлардан, янги методлардан кенг фойдаланишни англатади. Ҳозирги замонда «инновация» тушунчаси бирон-бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатдан янгиланишини, тубдан ўзгартирилишини ифода этади. Мавжуд нарсанинг янги ҳолатга ўтиши ёки янгича сифат касб этиши билан боғлиқ жараён инновация сифатида эътироф этилади.

2. Халқ ҳунармандчилиги бўйича ташкил этилган дарсларда инновацион технологиялар ва ахборот технологияларни қўллаш талабаларни ўз устида ишлашга, мустақил фикрлашга ўргатиш, кундалик вазифаларни ўз вақтида ўзлаштириб, интеллектуал салоҳиятларини ошириб боришга имкон беради.

3. Бўлажак технология таълими йўналиши ўқитувчиларида халқ ҳунармандчилиги бўйича билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи қуйидаги педагогик омиллар аниқланди: бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашга ижтимоий буюртма; таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар касбига педагогик маҳорати; ОТМнинг моддий-техник базаси, ахборот ва методик маркази ресурслари; ўқув жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш; халқ ҳунармандчилиги мавзусига оид тарихий обидалар, музейларга саёҳатлар уюштириш; халқ ҳунармандчилигининг тарихий ва замонавий намуналари билан танишиш.

4. Замонавий педагогик технологиялар ва ноанъанавий усул орқали амалий “халқ ҳунармандчилиги” фанидан машғулотлар ўтиш халқнинг бой маданий мероси ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш, замонавий халқ ҳунармандчилигини иқтисодиёт, фан ва технологиянинг янги ютуқлари асосида мукамал ўрганиш, кадрлар тайёрлаш янги тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳим шарти бўлиб, таълим жараёнида кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим тамойили ҳисобланади.

5. Илмий тадқиқот жараёнида “халқ ҳунармандчилиги” фанини ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Машғулотлар жараёнида таълим оловчиларнинг халқ ҳунармандчилиги ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш ва мустақил ишлашларини таъминлаш мақсадида турли таълим технологиялари ва методларидан фойдаланилди.

6. Халқ ҳунармандчилиги бўйича машғулотларни ташкил этишда ноанъанавий методларни қўллаш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, турли композицияларни тузишда замонавий технологияларни татбиқ этиш бўйича ўқув машғулоти ишланмалари тайёрланди. Мавзунинг мақсад ва вазифалари, ўқув машғулотининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, машғулотларни ташкил этиш технологияси ишлаб чиқилди ва кутиладиган натижалар аниқлаштирилди.

7. Бўлажак технология таълими ўқитувчиларининг халқ ҳунармандчилиги бўйича билим, кўникма ва малакаларини инновацион технологиялар асосида шакллантиришда аудитория машғулотлари (маъруза, амалий иш, лаборатория машғулотлари, махсус семинар, педагогик) устувор ўрин тутишини эътиборга олиб, ўқув жараёнида муаммоли таълим ва кейс-стади технологияларини қўллаган ҳолда, босқичма-босқич олиб борилди ва мустақил таълим жараёнида ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти аниқланди.

8. Бўлажак технология таълими ўқитувчиларида халқ ҳунармандчилигига оид билим, кўникма ва малакаларни инновацион технологияларни қўллаш орқали ривожлантиришда технология таълимининг узлуксизлиги, табақалаштирилиши, талаба-қизларнинг индивидуал имкониятлари, иқтидори ва ижодкорлигини ҳисобга олиш касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув-билиш фаолияти илмийлик, изчиллик, назарий ва амалий бирлиги каби тушунчалар асосида ривожлантирилди.

9. Технология таълими жараёнида касб таълимининг амалий касбий йўналишини кучайтириш ва мазмунини такомиллаштириш; ДТСларига мос равишда ўқув машғулотларининг ташкилий-методик таъминотини яратиш; талаба-қизларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг барча босқичларида компетентли ёндашув доирасида таълимнинг фаол метод ва шакллари, шунингдек, АКТдан самарали фойдаланишни жорий этиш каби касбий педагогик шарт-шароитлар талаба-қизларда халқ ҳунармандчилиги бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг муҳим асоси ҳисобланди.

10. Технология таълими профессор-ўқитувчиларини тайёрлашда ўз фаолиятини белгиланган таълим стандартларидан чекинмаган ҳолда таълим сифатини ошириш, ижодий тадқиқот ишларини мустақил ҳал қилиш, маънавий-руҳий имкониятларининг ролини ошириш, таълим-тарбиянинг сўнгги ютуқлари, юртимиз ва хорижий тажриба янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб бориш, илм-маърифат ва педагогикани уйғунлаштириб, касбий-педагогик муаммоларни ҳал қилишга йўналтира билиши керак.

### **Таклиф ва тавсиялар:**

1. ОТМларида ўқув режаларидаги “Халқ ҳунармандчилиги” ва “Технология таълими практикуми” фанларини ўқитишда халқ ҳунармандчилигини чуқур ўрганишга йўналтирилган инновацион таълим технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш;

2. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик уйғунлигини ошириш, умумий ўрта таълим мактаблари ва КХЖлари ҳамда ОТМларида ўқитиладиган халқ ҳунармандчилигига оид дастурий ўқув материалларининг мантиқий кетма-

кетлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган методик ёндашувларни қўллаш;

3. ОТМларида халқ ҳунармандчилиги билан бир қаторда чизма тасвир, ранг тасвир, композиция, матолар, материаллар, ёғоч буюмлари ва бошқа ашёларга бадиий ишлов беришда ва ёндаш фанларни ўқитишда компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш ва машғулотларни ташкил этиш бўйича махсус илмий изланишлар олиб бориш лозим;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2019.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ШАРИПОВА ГУЗАЛЬ САДИКОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ  
КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОК В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ  
ЭКОНОМИКИ**

**13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания  
(технологическое образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ЧИРЧИК-2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/Ped717.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([cspi.uz.ilmiy-kengash](http://cspi.uz.ilmiy-kengash)) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNET” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Рўзиев Эркин Искандарович**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Байметов Ботир Болтабоевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится “\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года “\_\_” часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2019.Ped.28.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104. Тел.: (+99870) 712-25-55; факс: (+99870) 712-45-41; email: [chdpi\\_kengash@umail.uz](mailto:chdpi_kengash@umail.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за №\_\_). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104. Тел.: (+99870) 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан “\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от “\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года)

**Ш.К.Мардонов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., проф.

**Ф.Т.Ражабов**  
Секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор философии по геогр.  
науками (PhD)

**Р.А.Эшчанов**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.б.н., доц.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Механизмы внедрения предпринимательских компетенций студентов в условиях экономического развития были реализованы на практике в сфере мирового образования. В сентябре 2011 года в Женеве политический конгресс ЮНЕСКО по развитию женского предпринимательства в Центральной Азии обсудил исследова-тельские работы, проводимые во всех странах, а также проблемы, возмoж-ности и политические последствия, с которыми сталкиваются женщины-предприниматели в регионе, и представил конкретные рекомендации по развитию женского предпринимательства в регионе.<sup>1</sup> Обучающие семинары в Конгрессе предоставляют женщинам-предпринимателям в Восточной Европе, на Южном Кавказе и в Центральной Азии возможности обмениваться идеями по открытию собственного бизнеса и разработали рекомендации по инициативе развития новых сетей по странам региона. Примером этого является первый форум женщин-предпринимателей в Юго-Восточной Европе

Cleef & Arpels<sup>2</sup> (Франция, Париж) и Royal College of Art<sup>3</sup> (Англия, Лондон) проводят научные исследования по обучению квалифицированных мастеров на основе технологий для взрослых и второго высшего образования в сфере искусства. Особое внимание уделяется растущему значению ремесленного сектора и обоснованию с научно-методологической точки зрения внедрения в педагогический процесс инновационных подходов для улучшения системы подготовки педагогов, обучающихся народному ремесленничеству.

В нашей стране обеспечена нормативно-правовая и материально-техническая база подготовки кадров в сферах изобразительного, народного прикладного искусства и ремесленничества. Созданы возможности для обучения женщин ремеслу, повышения эффективности использования трудовых ресурсов путем направления их к занятию предпринимательством, и расширения дидактических и технологических возможностей совершенствования предпринимательских способностей женщин через их роль в обществе.

Были установлены приоритеты по сохранению и умножению исторических традиций и богатого культурного наследия народов Узбекистана, развития национального художественного прикладного искусства, поддержке граждан, занимающихся ремеслом.

Данное диссертационное исследование служит для выполнения задач, указанных в нормативно-правовых документах, таких как:

Указ Президента Республики Узбекистан УП-5242 от 17 ноября 2017 года “О мерах по развитию ремесел и поддержке ремесленников”;

---

<sup>1</sup> <https://www.undp.org> > content

<sup>2</sup> <https://www.lecolevancliefarpels.com/sessions/savoir-faire>

<sup>3</sup> <https://www.rca.ac.uk/>

